



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2012 йил 8 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 156 (12.217)

Баҳоси эркин нарҳда



## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### ОЛМАЗОР ТУМАНИ: РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



**Энг улуг, энг азиз байрам — Истиқлолимизнинг йигирма бир йиллиги тобора яқинлашмоқда. Республикаимиз миқёсида ушбу култуғ санани муносиб кутиб олиш ва нишонлаш мақсадида жойларда катта тайёргарлик кўрилмоқда.**

Жумладан, туманда ҳам байрамга тайёргарлик ишлари қизгин паллага кирди. Олмазор тумани пойтахтимизнинг Шайхонтохур, Юнусобод ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота туманлари билан чегарадош бўлиб, умумий майдони 3,45 минг га.ни ташкил этади. Туманда 73 мингга оила, яъни 325 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Туман аҳолисига 52 та мактабгача таълим муассасаси, 32 та умумтаълим мактаби, 8 та академик лицей ва яна шунча касб-хунар коллежи, 4 та олий таълим муассасаси, 14 та шифохона ва 9 та оилавий поликлиника беминнат хизмат кўрсатади. Туманда янгидан-янги корхоналарнинг иш бошлаётгани туман иқтисодиёт кўрсаткичларининг юқори даражага кўтарилишини таъминлаб турибди. Ҳозирда туманда 6та та асосий йирик sanoat корхонаси, 183 та кўшма корхона фаолият кўрсатади. «Байтэкс тижарет», «Пахтакабель» кўшма корхоналари, «Агрегат заводи», «Оникс», «Сувсаноатмаш» акциядорлик жамиятлари ҳамда «Ирригация бўйича БМКБ» масъулияти чекланган жамиятлари асосий sanoat корхоналари сирасига киради. Мазкур корхоналарда жами 3 мингга яқин киши ишлайди. Ярим йиллик ҳисоботларга кўра, ту-

манда 249,8 млрд. сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 99,7 фоизни ташкил этди. Туманинг мазкур йўналишда юқори натижага эришишида «Агрегат заводи» ва «Пахтакабель» корхоналарининг ҳиссаси катта. Олмазор туманида 3699 та кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мавжуд. Жорий йилнинг ўтган ярмида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 12,3 млн. АҚШ доллари ҳажмида маҳсулотлар экспорт қилиниб ўсиш сурати 167,6 фоизга бажарилди. Ҳисобот даврида 2724 иш ўринлари яратилди. Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 80,7 фоизни, қурилишда 86,3 фоизни, савдода 75 фоизни ташкил қилди. Тумандаги 6та тижорат банклари ва уларнинг 12 та филиаллари ва 47 та махсус омонат кассалари аҳолига яқиндан хизмат кўрсатади. Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида ҳисобот даврида тижорат банклари томонидан 48,3 млрд. сўмлик ёки ўтган йилга нисбатан 168,3 фоизга кўп кредитлар ажратилди. Умумий са-

ноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг кичик ва хусусий тадбиркорликдаги улуши эса 80,7 фоизни ташкил этди. Жорий йилнинг январь-июнь ойлари мобайнида 112,8 млрд. сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 116,6 фоизга тенг бўлди. Аҳоли жон бошига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 343,1 минг сўмни ташкил этди.

2012 йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, туман бўйича умумий ташқи савдо айланмаси 129,4 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, шундан экспорт ҳажми 22,4 млн., импорт ҳажми эса 106,9 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Мазкур вақт оралиғида туманда 198 та корхона рўйхатдан ўтиб, улардан 188 таси фаолият кўрсатиб келмоқда, шундан 17 таси янги қўшма корхоналар саналади.

Туманда ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ёшлар учун туман ҳудудида 4 та стадион, 7 та сув ҳавзаси, 68та спорт зали, 208 та очиқ спорт майдонлари мунтазам ишлаб турибди. Бир сўз билан айтганда, Олмазор тумани Мустиқлигимизнинг йигирма бир йиллигини ҳар бир соҳада ўзига хос ютуқларни кўлга киритган ҳолда кутиб олмақда. Бу қилинаётган ишлар албатта фуқароларнинг тинч-тотув турмушини таъминлашга, аҳолига энгилликлар яратишига хизмат қилади.

(Олмазор туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

**Ўзбекистон Республикаси давлат мустиқлигининг 21 йиллиги арафасида Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Анумула Гитеш САРМА Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири билан суҳбатда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар бераётган юксак самаралар, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.**

### АНУМУЛА ГИТЕШ САРМА: ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МУҲИМ ҲАМКОРИ

— Ўзбекистон — Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкори. Мустиқлик йилларида Ўзбекистон иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда улкан муваффақиятларга эришди, халқаро ҳамжамиятга фаол интеграциялашмоқда. Ҳиндистон Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни катта қизиқиш билан кузатиб бораётир.

Ўзбекистоннинг иқтисодиётни диверсификация қилиш борасидаги ютуқлари алоҳида эътиборга сазовор. Глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, 2011 йили Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,5 фоизни ташкил этди. Жорий йилда ҳам юқори иқтисодий ўсиш суръатлари кузатиламоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари давлатларимиз раҳбарлари томонидан ҳамisha қўллаб-қувватлаб келинган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг май ойида Ҳиндистонга давлат ташрифи асосида эришилган келишувлар ўзаро муносабатларимизни юқори босқичга кўтаришга, стратегик шериклигимизни янада мустиқлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб ва мустиқлашган бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги яқин дўстлик ришталари ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари умумий тарихий ва маданий мероснинг мустиқлаш пайдоевrigа асосланган. Ҳиндистон ва Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик ва ривожланиш масалаларига қарашлари ўхшаш ва яқин. Мамлакатларимиз бағрикенглик, тинчлик ва осойишталикни юксак қадрлайди. Давлатларимиз фундаментализм ва терроризмга қатъий қарши туриб, минтақда барқарорликни мустиқлашга ўзининг фаол ҳиссасини қўшиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда)

### ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрдаги «Телерадиоэшиштириш соҳасида радиочастота спектрининг самарали фойдаланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиштириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди.

Танловга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида битта теле ҳамда Андижон вилоятида битта радиочастоталар бўйича келиб тушган буюртманомалар қўриб чиқилди ва қолиблар аниқланди.

Шунингдек, Комиссия томонидан теледистурларни тарқатиш ва ҳудудини кенгайтириш, маълумотлар узатиш тармоқларида хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия олиш учун берган аризалари қўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)



### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жорий йилнинг ўтган даврида Сурхондарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий корхоналарни ривожлантириш, янгиларини ташкил этиш ҳисобига 21 минг 370 иш ўрни яратилди.

• Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида вилоят хотин-қизлар кўмитаси, адлия бошқармаси, «Маҳалла хайрия жамоат фонди ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Оила — муқаддас даргоҳ» мавзuida маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирда шаҳар, туман хотин-қизлар кўмиталари ва ФХДЁ бўлимлари ходимлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раислари ҳамда уларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, психологлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

• Самарқанд шаҳридаги «Динамо» теннис кортида эркаклар ўртасида халқаро «Челленжер» мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Унда юртимиздан ўндан зиёд маҳоратли теннисчилар иштирок этмоқда.

• КониMex туманидаги «Караката универсал сервис» масъулияти чекланган жамияти томонидан деворбоп материаллар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

• Термиз шаҳридаги «Ихлос Сайид» хусусий корхонасида йилга 80 тонна нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга янги линия ишга туширилди. Мазкур лойиҳани амалга оширишда банкнинг 80 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди.

• Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида «Бизнинг мерос. Ўзбекистон санъати усталари» мавзuida кўргазма ташкил этилди. Кўргазмага қўйилган асарларда юртимизнинг гўзал ва бетакрор табиати, меҳнатқаш ҳамда самимий юрдошларимиз сиймолари акс эттирилган.

### ЖАҲОНДА

• Тўрт йил аввал бошланган молиявий-иқтисодий инқироз дунёнинг баъзи ривожланган мамлакатларида ҳануз ўз таъсирини ўтказяпти. Жумладан, АҚШда июль ойида ишсизлик даражаси 8,3 фоизга етган. Вазиятни яхшилаш мақсадида Меҳнат вазирлиги томонидан янги иш ўринлари яратилмоқда. Хусусан, ўтган ойда 160 минг киши иш билан таъминланган бўлсада, бу қутилган натижани бермаган.

• Буюк Британиянинг Кембриж университети биокимёгарлари яшартирувчи шоколад рецептини ишлаб чиқди. Хабарларга қараганда, «Coco-Lycosome» номли янги турдаги ингредиент қўшилган ушбу шоколадни истеъмол қилган одамда кексайиш жараёни анча сусаяди. Яқин кунларда ушбу шифобахш шоколадни жаҳон бозорига чиқариш режалаштирилмоқда.

• Мексикада содир бўлган йирик автохалокат оқибатида йигирмага яқин одам ҳаётдан кўз юмган ва тўрт киши оғир жараҳатланган. Маълумотларга қараганда, Сонора штати ҳудудида рўй берган ушбу бахтсиз ҳодисага юк машинасининг микроавтобус билан тўқнашуви сабаб бўлган.

• Австралиянинг Сидней шаҳридаги Ньюпорт пляжида жойлашган ҳовуздан узунлиги 12 метрлик китнинг жасади топилди. Китларни қутқариш жамиятининг маълум қилишича, бу жониворнинг оғирлиги қарийб 30 тоннага тенг. Экспертларнинг тахминига кўра, кит океанда кема билан тўқнашиб кетган ва ҳалок бўлган. Сўнгра тўлқинлар таъсирида соҳилдаги ҳовузга тушиб қолган. Ҳозир бу ҳайайбат китни ҳовуздан чиқариш устида бош қотирилмоқда.

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.


✓ **БУГУН** Чилонзор туманидаги 126-мактабда ўтказилган тадбир «Тақдиримсан, бахтимсан,

эркин ва обод Ватан!» деб номланди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Демократик ислохотларнинг очиклиги ва ош-

коралигини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан босма ОАВларнинг самарали ҳамкорлиги» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтади.

✓ **ЭРТАГА** «Қатағон қурбонлари музейи»да ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбир «Миллий ва умуминсоний қадриятлар — улуг аждодлар мероси» деб номланади.



# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



**Олмазор туманидаги Беруний маҳалласи 1968 йили ташкил қилинган бўлиб, ҳозирги кунда тумандаги энг намунали маҳаллалардан бири саналади. Маҳалладаги умумий аҳоли сони 2467 нафарни ташкил этади.**

## МАҲАЛЛА — ҲАР ИШДА МАДАДКОР

Аҳоли ўртасида турли муаммо ёки бошқа келишмовчиликлар юзга келгудек бўлса, маҳалла оқсоқоли, унинг маслаҳатчиси, котиби ва маҳалла посбони доим вазиятни ижобий ҳал қилишга тайёр туради. Устига устак Ақида Одилова, Адолат Шоюнусова каби маҳалла фаоллари борки, оқсоқол ва маслаҳатчилар турли-туман ташкилий ишларда уларга бемалол суянишлари мумкин.

Маҳаллада биттадан мактаб ва мактабга-ча таълим муассасаси, 3 та савдо маркази, яна шунча маиший хизмат кўрсатиш шохбачаси ишлаб турибди.

Яқинда маҳалла фаоллари ташаббуси билан ҳудудда истиқомат қилувчи 46 нафар ишсиздан 14 нафари трикотаж маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи «Glory-Slava» тўқув цехига; 12 нафари янги очилган «Aziz Xidoyat» гастроромига, 6 нафари маҳалладаги ателье ва аёллар гўзаллик салоғига ишга жойлаб қўйилди.

Академик лицей, касб-ҳунар коллежи ҳамда олий ўқув юртига ҳужжатларини топширган ёшларимизнинг имтиҳон жавоблари чиқади, — дейди 7 йилдан буён Беруний маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида фаолият кўрсатиб келаётган Бадриддин Расулов. — Эндиги масала таълимнинг кейинги босқичларига киролмаган ёшларнинг бандлигини таъминлашдан иборат. Шунингдек, маҳалладаги мавжуд 8 та кам таъминланган оилаларга доим яқиндан ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Масалан, яқинда 7 та кам таъминланган оилаларнинг газ буйича тўловларини тўлаш учун маҳалла томонидан салкам 1 миллион сўм ажратилди.

Шанба кунлари маҳаллада ободонлаштириш, озодлик ишлари жадал олиб борилади. Бир йил давомида ҳудудда қарийб 10 мингга яқин турли хилдаги дарахт ва гуллар экилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларни ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиб етишиши учун барча чоралар кўриломоқда. Уларнинг турли хил ёмон иллатлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун маҳалла ёшлари ўртасида «Одам савдосига қарши кураш», «Ичкилик ва гиёҳвандликка қарши кураш» мавзудаги тадбирлар, ёш оилаларда турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида «Оилавий жанжалларга барҳам бериш» мавзудаги суҳбатлар ўтказиб келинади.


Маҳаллада спортга бўлган эътибор анча юқори. Битта очик сув ҳавзаси ва футбол майдончаси ёшлар хизматида. Йил давомида бир қатор спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиб келинади. Айниқса, ҳар йили маҳалладаги 12-13 ёшдаги болалар ўртасида бўлиб ўтадиган стол тенниси бўйича мусобақалар жуда қизиқарли ўтади. Утган йилги мусобақада Нодир Отабоев 1-ўринни эгаллаб, велосипед билан тақдирланган. Яқин кунларда ўтказилиши кутилаётган бу йилги чемпионатга ҳам қизғин тайёргарлик кўриломоқда.

Энг қизиғи, маҳалла фуқаролар йиғини ҳар йили аҳоли ҳамда бир қатор касб эгалари ўртасида энг намунали оилалар, касб эгалари, фаоллари рўйхатини ёзган қилади.

Сўнги натижаларга кўра, Пулатовлар, Ибрагимовлар, Отажоновлар оиласи намунали оилалар деб топилди. Шунингдек, ортопед-травматолог Самуъл Маннонов — энг яхши маҳалла шифокори, Бахтиёр Абдуллаев — энг яхши маҳалла тадбиркори, Мадина Аюпова — энг яхши тадбиркор аёл, Турсуноя Аҳмедова — энг яхши қайнона, деб тан олинди. Албатта бу каби номинациялар маҳалла аҳлини рағбатлантириб, янада фаол бўлишга чорлайди.

Бугунги кунда маҳалланинг тўй ва маросимлари ўтказиш ва яраштириш комиссияси томонидан тўй-маррака ва турли маросимларни тартибга солиш бўйича фаол тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

## ОЛМАЗОР ТУМАНИ: РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



**Бугунги кунда хорижлик сармоядорлар билан тузилган кўпплаб қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. «SHOWPRINT» қўшма корхонаси шулардан бири. Мазкур корхона Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги ишбилармонлик ҳамкорлигининг амалий самараси ҳисобланади.**

МЧЖ шаклидаги «SHOWPRINT» қўшма корхонаси 2009 йилнинг 12 февралидан буён фаолият кўрсатмоқда. У республикамизнинг матбаа корхоналари учун юқори сифатли офсет пластиналарини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Таъкидлаш жоизки, ўтган қисқа муддат ичида корхонада барча замонавий талабларга жавоб берадиган мустақкам моддий-техник база яратилган.

— Корхонада 65 фоиз чет элдан келтирилган юқори сифатли материаллардан ва 35 фоиз маҳаллий материаллардан фойдаланилади, — дейди ҚК бош директорининг ўринбосари Маъруфжон Мамадалиев. — Айни пайтда замонавий технологиялар, шунингдек, таниқли чет эллик ишлаб чиқарувчиларнинг ихтисослаштирилган ускуналарини қўллаган ҳолда беш мартагача ишлатилган пластиналар тикланади. Бу ерда «Ўзстандарт» томонидан рўйхатга олинган сифатни назорат қилиш лабораторияларидан бири фаолият кўрсатади ва у ҳам ашё ва материаллар, шу билан бирга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг белгиланган стандартларга мослигини синаш билан шугулланади.

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИНГ АМАЛИЙ САМАРАЛАРИ

Бундан ташқари, ўтган йили корхона ISO 9001:2008 сифат менежменти халқаро тизимини жорий этди ва тегишли сертификатга эга бўлди. Бу эса ҳужжатларни тартибга солиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини, демак унинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Барча ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга беш йил муддатга кафолат берилди.

Кўшма корхонанинг қуввати кунига 2 минг квадрат метр офсет пластиналарини ташкил этади. Ҳозирги кунда МЧЖ ўз маҳсулотларини шартномавий асосда республикамизнинг 70 дан ортик матбаа корхоналарига етказиб бермоқда. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 80 минг квадрат метр пластинани ташкил этмоқда.

— Корхонамизнинг маҳаллийлаштириш дастурига киритилгани, маҳаллий хом ашё ва кадрлар ресурсларидан кенг фойдаланилгани эвазига ана шундай на-

тижаларни қўлга киритдик, — дея сўзини давом эттиради Маъруфжон Мамадалиев. — Бу эса бизга бўшаган маб-лағларни ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, хом ашё ва материалларни харид қилиш, тайёрланаётган маҳсулотларнинг ҳажмини кўпайтириш ва янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштиришга йўналтириш имконини берди.

Ҳозирги кунда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сервис хизматларини кўрсатиш ишлари билан 10 нафар малакали мутахассис шугулланмоқда. Қўшма корхонада унумли меҳнат қилиш ва мазмунли ҳордиқ чиқариш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу эса мўлжалланган вазифаларни амалга ошириш, корхонанинг барқарор фаолиятини ва янада ривожланишини таъминлаш гаровидир.

## БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР МАВЖУД

**Туманда 9 та онлавий, 2 та стоматология, битта талабалар поликлиникаси фаолият олиб бормоқда. Улар орасида 17-онлавий поликлиниканинг ўзгача ўрни бор.**

2004 йилдан бошлаб аҳолига хизмат кўрсатаётган ва таркибда 2 та умумтаълим шифонаси бўлган 17-онлавий поликлиника 38 нафар шифокор, 81 нафар ҳамшира фаолият олиб бормоқда. Поликлиника айни дамда туманда жойлашган 9 та маҳаллада истиқомат қилувчи 7800 та оилага, 2 та мактабга таълим муассасаси, 4 та умумтаълим мактаби ҳамда 100-сонли махсус Мехрибонлик уйига яқиндан хизмат кўрсатиб келади.

Бугунги кунда бир сменада, яъни 6 соатда 300 кишини қабул қилишга мўлжалланган поликлиникада аҳоли замон талабларига жавоб берадиган рентген диагностикаси, УЗИ, ЭКГ, физиотерапия бўлими, эндоскопия, клиник-биокимё, мураббий Жамшид Қобуловнинг назарига тушди.

Ҳозир Хасан Абдушукуров 13 ёш бўлишига қарамай, Республикамиз ҳамда Сингапур, Малайзия, Хиндистон, Жанубий Корея каби қатор давлатларда уюштирилган турнирларда муваффақиятли иштирок этиб, қаратэ бўйича шу кунгача 40 га яқин медаллар соҳиби бўлди. Ёш қаратэчининг эришган натижалари мазкур спорт тури илосмандларини бефарқ қолдирмайди. У тенгдошлари ўртасида ўтказилган мусобақаларда 3 қарра Ўзбекистон чемпиони, тўрт бор нуфузли Халқаро турнирлар ғолиби бўлган.

Бугунги кунда ёш чемпион туманда жойлашган 159-мактабнинг 7-синфини тамомлади. Жисмоний тарбия, шунингдек, адабиёт ва тарих фанларига бўлган қизиқиши банд. 11 ёшли укаси Абдулазиз Абдушукуров ҳам акаси Хасанга ҳавас қилган шекилли, унинг изидан бормоқда. Абдулазиз шаҳар ва республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда ғолиб бўлиб умидли ёш спортчи саналади.

Айни дамда Хасан шу йилнинг сентябрь ойида Будапешт шаҳрида қаратэ бўйича ташкил этиладиган халқаро турнирга тайёргарлик кўрмоқда. Келгусида унга бундан-да яхши натижаларга эришишини тилаб қоламиз.

**— Ўйим Хасан дунёга келганида унинг вазни жуда енгил экани мени бир оз ташвишга солганди, — дейди Саидъазим Абдушукуров. — Шу боис тенгдошларидан ортда қолмасин, жисмонан соғлом бўлсин деб ёшлагандан уни спортга қизиқтиришга ҳаракат қилдим.**

## ЁШ ЧЕМПИОНЛАР КЎПАЙМОҚДА

7 ёшида ўғлининг қаратэга бўлган қизиқишини пайқаган ота уни Олмазор туманидаги «Истиклол» спорт мажмуаси қошида очилган «Еш куч» қаратэ клубига аъзо қилди. Хасан қисқа вақт ичида яхши натижалар кўрсатиб, мураббий Жамшид Қобуловнинг назарига тушди.

Ҳозир Хасан Абдушукуров 13 ёш бўлишига қарамай, Республикамиз ҳамда Сингапур, Малайзия, Хиндистон, Жанубий Корея каби қатор давлатларда уюштирилган турнирларда муваффақиятли иштирок этиб, қаратэ бўйича шу кунгача 40 га яқин медаллар соҳиби бўлди. Ёш қаратэчининг эришган натижалари мазкур спорт тури илосмандларини бефарқ қолдирмайди. У тенгдошлари ўртасида ўтказилган мусобақаларда 3 қарра Ўзбекистон чемпиони, тўрт бор нуфузли Халқаро турнирлар ғолиби бўлган.

Бугунги кунда ёш чемпион туманда жойлашган 159-мактабнинг 7-синфини тамомлади. Жисмоний тарбия, шунингдек, адабиёт ва тарих фанларига бўлган қизиқиши банд. 11 ёшли укаси Абдулазиз Абдушукуров ҳам акаси Хасанга ҳавас қилган шекилли, унинг изидан бормоқда. Абдулазиз шаҳар ва республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда ғолиб бўлиб умидли ёш спортчи саналади.

Айни дамда Хасан шу йилнинг сентябрь ойида Будапешт шаҳрида қаратэ бўйича ташкил этиладиган халқаро турнирга тайёргарлик кўрмоқда. Келгусида унга бундан-да яхши натижаларга эришишини тилаб қоламиз.

Саҳифа материалларини Отабек ОТАЁРОВ тайёрлаган  
Козим Ўлмасов олган суратлар

## АНУМУЛА ГИТЕШ САРМА: ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МУҲИМ ҲАМКОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

2011 йилда Ўзбекистон билан Хиндистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 160 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, савдо соҳасидаги ҳамкорлигимиз бундан катта салоҳиятга эга. Шу боис икки мамлакат ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада оширишга интиломоқда. Самарали транзит йўлақларини очиб лозим. Ўзбекистонда бу масалага катта эътибор қаратилганга қарамай мамнунимиз.

Хиндистон Ўзбекистон билан, шунингдек, ахборот технологиялари соҳасида ҳам ҳамкорлиқни изчиб ривожлантириш тарафдори. Маълумки, инсон ресурслари ахборот технологиялари соҳасини такомиллаштиришда муҳим омил ҳисобланади. Хиндистон Бош вазири Манмохан Сингхнинг 2006 йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида Тошкент ахборот технологиялари университетига Жаҳоҳарлаъл Неру номидаги Ўзбекистон-Хиндистон ахборот технологиялари маркази очилди.

1995 йили Тошкентда Лаъл Баҳоидир Шастри номидаги Хинд маданияти маркази очилди. Хинд маданиятига бағишланган турли тадбирлардан ташқари, марказ томонидан рақс, йога ва хинди тилини ўрганиш бўйича мунтазам равишда дарслар ташкил этилади.

Ўзаро алоқаларимизнинг истиқболли йўналишларидан яна бири бу сайёҳликдир. Хиндистонликлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби қадимий шаҳарларингизни доимо катта қизиқиш билан зиёрат қилади. Ўз навбатида, Хиндистоннинг Дехли, Агра, Жайпур ва Мумбаи каби шаҳарларига ташриф буюрувчи ўзбекистонлик сайёҳлар сони ҳам йилдан йилга ошиб бораётгани бизни гоят қувонтиради.

Шу ўринда авиаташув соҳасида тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлиқни ҳам алоҳида таъкидлаш даркор. Бугунги кунда Ўзбекистон билан Хиндистон ўртасида ҳафтасига 15 марта авиакатнов амалга оширилади. Биз бу борадаги ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ниятдамыз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 21 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман, эл-юртингизга тинчлик, барқарорлик ва буюк келажақ тилайман.

Ирода УМАРОВА  
ёзиб олди

## РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидениега техник ва технологик ўтиш бўйича Давлат дастурини қабул қилиш тўғрисида»ги Қарорида Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида техник модернизация қилиш вазифалари алоҳида белгиланган. Ушбу вазифаларни сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида Компания мутахассислари томонидан тегишли техник талаблар ишлаб чиқилиб, амалий тақлифлар олиш мақсадида дунёдаги бир неча етакчи компания ва фирмаларга малака ошириш учун юборилди.**

Бу ишларни амалга ошириш доирасида шу йилнинг 16-20 июль кунлари SK C&C групп корпорацияси ва Celtrion ST компанияси тақлифига биноан бир гуруҳ техник мутахассисларимиз Кореянинг Сеул шаҳрида жазмат сафарига бўлиб қайтдилар. Сафар домида Ханубий Кореянинг SK C&C групп корпорациялари, KBS, EBS, JTBC, SK медиа телерадиоэшиштириш ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишиб чиқдилар. Улар ушбу ташкилотларда рақамли телевидениега ўтиш билан боғлиқ техник қайта жиҳозлаш ишлари бўйича маълумот олдилар. Мутахассисларимиз мазкур компанияларнинг иш жараёنлари билан бевосита танишиб, телекўрсатувлар, телесериалларни тасвирга олишга тайёргарлик ишлари, техник имкониятлардан фойдаланиш каби йўналишларда бир қатор тасаввурга эга бўлдилар.

Сафар доирасида Компания мутахассислари ўз навбатида корейлик ҳамкасбларини Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан батафсил таништириб ўтдилар. Республикамизда кейинги йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон МТРК телерадиоэшиштириш тизими мукамал ва замонавий ишлаб чиқариш-техника базасига эга бўлди. Шунингдек, энг янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда телерадио дастурларини тарқатиш тармоғининг қабул қилиш-узатиш тизимлари реконструкция қилинди. Телерадиомаҳсулотни ишлаб чиқариш ва шакллантириш жараёнига замонавий рақамли ускуналар ва медиатеологиялар татбиқ этилиб, юқори сифатли теледастурлар тайёрлаш имкониятини берадиган энг замонавий рақамли техника ва технологиялар билан жиҳозланган Ўзбекистон МТРК Медиамаркази ишга тушди. 2017 йилдан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида рақамли телевидениега ўтилиши муносабати билан телерадиоэшиштириш тарқатиш жараёнида юзга келадиган муносабатларни тизимли ва комплекс равишда тартибга солиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб қўйилган. Ҳозирги кунда рақамли телевидениега ўтиш жараёни нафақат Тошкентда, балки Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида режалар ва босқичма-босқич амалга оширилаётган.

Компания ахборот хизмати маълумотларига кўра, ўзбекистонлик техник мутахассислар корейлик ҳамкасблари билан бўлиб ўтган қатор учрашув, суҳбат ва музокаралар домида соҳанинг икки томон учун ўзаро манфаат касб этган долзарб масалалар бўйича батафсил фикр ва амалий тажриба алмашдилар.

Бекзодхўжа ЮЛДАШЕВ,  
«Туркистон-пресс»



**Мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб, «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шiori остида ўтказилаётган байрам тадбирларидан бири куни кеча «Нуронийлар» оромгоҳида «Мустақиллик энг улуг ва энг азиз қадрият» мавзусида «Modern Art Music» продюсерлик маркази,**

**республика фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, шаҳар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди қошидаги «Қадрият давраси» ҳамкорлигида ўтказилди.**

**Тадбирлар**

**ЭНГ УЛУФ ҚАДРИЯТ**

Тадбирда сўзга чиққан олима М.Муҳиддинова, шоир И.Раҳмон, Г.Каримова, М.Жаъфаровлар Мустақиллик биз учун берилган буюк неъмат эканлиги, унинг ҳамisha қадрига етишимиз, саждагоҳ каби муқаддас Ватанини кўз қорачиғидек асрашимиз кераклиги ҳақида сўз юритдилар. Ф.Муродова раҳбарлик қилаётган «Modern Art Music» маркази томонидан ташкил этилган бир гуруҳ санъаткорларнинг чиқиши дам олувчиларга хуш қайфият бағишлади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илхомжон Жўраев ва Санобар Раҳмоновлар фарзанди Ихлосбек Жўраев, «Нихол» мукофоти совриндори Аброр Парпиев, иқтидорли санъаткорлар Мавлонхон Абдумаликов, Раъно Бўронова, Даврон Аҳмедов, Гайбулла Қўлабдуллаевлар ихросидаги жозибали куй-қўшиқлар тадбирнинг янада кўтаринки руҳда ўтишини таъминлади.

**Камола МАҲАМЕДОВА**  
ЎзЖДТУ халқаро журналистика факультети талабаси

**ТАҚДИРИМ, БАХТИМ — ВАТАН!**

**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ташаббуси билан Ҳамза туманида «Мустақим оила йили» Давлат дастури доирасида «Мустақиллик — бу ҳуқуқ демакдир» мавзусида ҳуқуқий тарғибот тадбири бўлиб ўтди.**

«Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шiori остида ўтказилган тадбирда Республика Маънавият тарғибот маркази, туман ФХДБ бўлими мутахассислари, офицер ва аскарлар, ёш оилалар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мутахассислар истиқлол йилларида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳаларни қамраб олган ислохотлар, амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар борасида сўз юритишди. Истиқлол йилларида тинч ва осуда ҳаётимиз, жамиятдаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ҳамда бағрикенглик каби инсоний фазилатлар мустаҳкамланди. Тадбирда замонавий қурул-яроғ, техника ва юқори малакали ҳарбий мутахассислар билан таъминланган профессионал миллий армиямиз шакланганлиги таъкидланди. Бугунги кунда ҳарбийларни замонавий уй-жойларга эга бўлаётгани, улар учун қулай ижтимоий-маиший шароит яратилаётгани уларни ижтимоий

қўллаб-қувватлаш тизимининг яратилганлигидан далолатдир.

Истиқлол шарофати билан қўшинларнинг таркиби сифат жиҳатидан яхшиланган, сафларини тўлдириб тартиби такомиллаштирилди. Бу жараёнда соҳа учун юксак интеллектуал салоҳиятли, жисмонан бақувват ва зарур билимларни эгаллаган кадрлар зарур. Шу мақсадда юртимиздаги олий ҳарбий билим юртлари, ҳарбий йўналишдаги академик лицейлар фаолияти такомиллаштирилиб, моддий-техник базаси ҳам мустаҳкамланди. Сержантлар тайёрлаш мактабларида соҳанинг барча бўғинлари учун ҳар томонлама етук, юқори билимга эга, маънан ва жисмонан бақувват кичик командирилар тайёрланаётгани ҳам бу йўлдаги асосий қадимлардандир.

Тақдирини Ватанига боғлаган, бахтини эл-юрт тинчлиги ва осойишталигидан кўрадиган, садоқатли, мард, жасур ҳарбийларимиз бор экан юртимиз тинч, хонадонимиз фаровон бўлади.

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида мустақилликнинг 21 йиллигига бағишланган мушоира кечаси ана шу шior остида ўтказилди.**

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда «Адабиёт» йўналишидаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, шоир ва ёзувчилар, «Она-жоним шеърият» тўғраги аъзолари, санъаткорлар иштирок этди.

Аънавий тарзда ўтказилган бу каби иходий кечалар совриндорларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги билан ҳам ахамиятлидир.

Мушоирада истиқлол шарофати билан мамлакатимизда истеъдоддиларни

**ОНА ЮРТИМ МАДҲИ**

қўллаб-қувватлаш, ёшларни рағбатлантириш учун кенг шарт-шароитлар яратилганлиги таъкидланди. Истеъдод илохий неъматлиги, у миллатнинг маънавий олами бойиши учун хизмат қилиши лозимлиги қайд этилди. Ана шундай истеъдод эгалари қадрланган бу юртда ўтган йиллар давомида Зулфия номидаги Давлат мукофоти соврин-

дорлари 182 нафарга етди. Шундан 42 нафари адабиёт — назм ва насрдаги эришган ютуқлари ва салоҳияти учун тақдирланган. Ўзининг шеърий тўпламлари, иходий ишлари билан шеърият ихлосмандларининг кўнгилдан жой топа олган Зебо Нурмонова ҳам бу мукофот соҳибаларидан бири. Ўзининг зукколиги, интилувчанлиги учун рес-

публика миқёсида ўтказилган бир қатор танловлар голиби бўлган.

— Бу мукофотнинг масъулияти юксаклиги, адабиёт йўли осон эмаслиги, бу соҳада оташин орзуларнинг ўзи камлик қилишини жуда яхши ҳис этамиз, — дейди Зебо Нурмонова. — Озгина иқтидоримизни юксакларга кўтариб, ардоқлаб, — дейди Зебо Нурмонова. — Озгина иқтидоримизни юксакларга кўтариб, ардоқлаб, бу Ўзбекистон фарзанди деб фахрланаётган бу бизнинг халқимиз. Мана шу юрт, шу халқ биз ёшларга ишонарлик, суюнапти, мукофот-лашапти. Демакки, бунинг масъулияти осмон қадар.

Шу Ватан фарзанди эканлигимдан юрагим фахр ва ифтихорга тўлади.

Мушоирада совриндор қизлар она юрт, садоқат, ватанпарварлик руҳида ёзилган, меҳр билан уйғунлашган шеърларини инглиз, хитой, япон тилларидаги таржималарини ўқиб бердилар. Дилафруз Усмонованинг хитой тилида айтган алласи кечага ўзгача руҳ бағишлади. Самимияча йўғрилган иходий учрашувда санъаткорлар куй-қўшиқлар ижро этишди.

Тадбир сўнггида иходкор қизлар рағбатлантирилиб, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Барно МЕЛИКУЛОВА,**  
«Туркистон-пресс»

**ЁРУФ ЮЗ БИЛАН**

**Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш корхонаси янгича талаблар асосида фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда йўловчи вагонларини тузатиш ҳамда модернизациялаш ишлари изчил олиб борилмоқда.**

— Сифат кўрсаткичларининг юқорилиги ва модернизациялашнинг қисқа муддатда амалга оширилаётгани буюртмачилар сонини янада кенгайтираётди, — дейди ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Исроиил Эшқобилов. — Корхонада зарур хом ашё сифатида кўпроқ маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланилаётгани, таъмирланаётган ва ишлаб чиқарилаётган вагонларнинг анча арзон бўлишини таъминлаш билан бирга мижозлар сафини янада кенгайтираётди.

Давлат маҳаллийлаштириш дастури бўйича корхона режасига урта лойиҳани амалга ошириш киритилди.

Янги йўловчи вагонининг тележаларини тайёрлашга эришилди. Улардан 30 таси қайта таъмирланди. Янги йўловчи вагонларини қуриш режаси ҳам ўз вақтида адо этилмоқда.

**Темирийўлчилар саломатлигини тиклашда тармоқ касабаси уюшмаси Марказий Кенгаши тасарруфидаги «Сихатгоҳ» санаторий-профилакторийсининг ҳам ўз ўрни бор. Шифохонада олиб борилмаётган муолажалар тажрибали тиббиёт ходимлари зиммасига юклатилган.**

**СИХАТГОҲ ЙИЛ ДАВОМИДА ИШЛАЙДИ**

Физиотерапия, уқалаш, игна билан даволаш, сауна, ингалация буйича амалга оширилаётган муолажалар айниқса, самарали бўлаётди. Сув муолажалари орқали даволаш ҳам йўлга қўйилди. Гиёҳлар билан даволаш ҳам яхши наф келтирмоқда. Шифобахш дароҳҳо ҳозир 50 ўринли бўлиб, йил давомида Ўзбекистон темирийўлчилари ва транспорт қурувчилари жамоасининг 700 нафардан

зиёд ходими соғломлаштирилмоқда. Бу ерда темирийўл соҳасининг фидойий жонқуярларидан тортиб, «Ташуғар — Бойсун — Кумқўрғон» янги темир йўл линияси қурилишида меҳнат қилган темирийўлчи бунёдкорлар ҳам ўз саломатликларини тикламоқдалар. Хизмат сафари билан келган темирийўлчилар учун ҳам муайян ўринлар ва тегишли шарт-шароитлар яратилган.

**Акбар АЛИЕВ**

**Пойтахтимиздаги ривожланиш ва ободончиликни ҳудудларнинг, айниқса, аҳоли оммавий дам оладиган ва бўш вақтини ўтказадиган жойларнинг тозаллиги ҳамда саранжомлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бунинг учун маҳаллий бюджетдан, шунингдек, ҳомиёлар томонидан ажратилаётган маблағлар янги дам олиш объектиларини қуришга йўналтирилмоқда, эски майдончалар обод қилинмоқда, шаҳар инфратузилмаси ривожланмоқда.**

Тошкентнинг Мирзо Улугбек туманида иккита болалар майдончасининг қурилиши ҳамда «Гулшан» маданият ва истироҳат боғининг модернизация қилиниши бунга аққол мисол бўла олади.

«Гулшан» маданият ва истироҳат боғи ачинарли ҳолатга тушиб қолган эди. Атракционлар ишламасди, дарахтлар қаровсиз қолганди, қўллаб ўриндиқлар синиб, асфальт йўлакларини ўйдим-чүкур бўлиб кетганди. Шу ерда яшовчи аҳолининг айтишича, аввал истироҳат боғида кундузи юриш ҳам хавфли бўлган, чунки бу ер спиртли ичимликлар ичиладиган, тарбисси ёмон ёшлар тўпланди ва жойга айланиб қолган эди. Бугун эса бу ерда бутунлай ўзгача манзара: ота-оналар, уларнинг фарзандлари бемалол сайр қилиб юришибди, катта ёшли одамлар эса шахмат ва шашка ўйнаш, куннинг долзарб мавзулари устида сўхбат қуриш билан банд.

Мирзо Улугбек тумани ҳокимлигидан олинган маълумотларга қараганда, ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун уч миллиард сўмдан ортқ маблағ сарфланган. Маблағлар ҳомиёлар — тумандаги йирик санат корхоналари томонидан ажратилган. Натيجанда Турон, Уйғонни, Шўртена, Алишер Навоий, Нодирбегим маҳаллаларида яшовчи аҳоли бу ерда бўш вақтини мазмунли ўтказиш имконига эга бўлди. Зеро, бундай масканлар ҳар доим мириқиб дам оладиган одамлар билан гажув бўлади, болаларга бир олам қувонч бағишлайди.

«Гулшан» маданият ва истироҳат боғи маъмурияти вакиллари айтишича, модернизация ишлари икки босқичда ўтказилган. Биринчи босқич ўтган йилнинг сентябрида бошланган бўлса, иккинчиси яқинда ниҳоясига етказилди. Шу вақт ичида аввал ўрнатилган олпита атракцион таъмирланди, барча халқаро стандартлар ва юқори хавфсизлик



Оттабек Мирзоаътов (ЎЗА) олган сурат

**ГЎЗАЛ ВА СЎЛИМ МАСКАНЛАР КЎПАЙМОҚДА**

талабларига жавоб берадиган янгилари олиб келинди. Шунингдек, йўлакларга янги асфальт қопламалар ётқизилди, майсазорлар ва гулзорлар барпо қилинди.

Бу ерда қизи ва беш нафар набираси билан келган Зухра Оттабекова ўз таассуротлари ҳақида сўзлайди:

— Мен Тошкент вилоятининг Қибрай туманида яшайман, қизим эса оиласи билан шу ерга яқин жойда туради, — дейди Зухра опа. — Бу ердаги ўзгаришларни кўриб жуда хурсанд бўлдим. Хиёбон атрофида қулай ўриндиқлар ўрнатилган. Энди вақтимизни мароқли ўтказишимиз, болакайлار эса турли ўйинлар ўйнаши ёки маза қилиб музқаймоқ ейиши мумкин.

«Гулшан» да ўнлаб манзарали ва мева-вали дарахтлар экилган, янгича суғориш тизими ўрнатилган. Энди боғнинг ички ва ташқи қўриғиши ҳудуднинг умумий кўрмига қўқ қўшиб турибди.

Боғнинг ичкарида жойлашган «Оловуддин» кўнгилочар маркази болажонларда катта қизиқиш ва ҳавас уйғотмоқда. Янги бино барча хавфсизлик талаблари эътиборга олинган ҳолда қурилган. Бу ерга Англиядан болалар учун ўйин аппаратлари ва 5D форматидоги фильмлар намойиш этиладиган кинотеатр олиб келинган, мўъжазгина емакхона ҳам очилган.

Истироҳат боғи ходимлари меҳмонларни қабул қилиш ва уларга турли кўнгилочар ўйинларни тақдир этишдан хамиша хурсанд. Уларга бу ердаги турли болалар атракционлари, дарахтлар соясига жойлашган шинам кафелар, кўнгилочар майдончалар хизмат кўрсатмоқда.

Жажжи болакайлари қувноқ қаруселда униси, автомобиль рули ёки самолёт штурвалини бошқариши, батутда сакраши мумкин. Экстремал ўйинлар-

нинг ашаддий ишқибозлари эса Италиядан келтирилган «Эркин парвоз» минораси билан келган Зухра Оттабекова. Бу атракцион ҳеч қимми бепарқ қолдирмайди ва барчага, ёшидан қатъи назар, манзур бўлади.

Буни «Гулшан» боғининг доимий меҳмонлари — мактаб қошидаги болалар оромгоҳида дам олаётган 6 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар ҳам тасдиқлайди. Улар ўз мураббийлари билан бу ерга тез-тез келиб туришдаи ва вақтларини мазмунли ўтказишди.

Мирзо Улугбек туманидаги 256-сонли мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Барно Сайтованинг таъкидлашича, болалар боқча ўз тендошлари билан мириқиб ўйнаш учун бахонидил келмоқда. Фарзандларининг шу йўсинда дам олаётгани, соғлиғини тиклаётгани ва янги ўқув йилига тайёргарлик кўраётганидан ота-оналар ҳам мамнун. Болакайлари бу ерда яхши дам олиш билан бирга ўз вақтини мазмунли ўтказмоқда, қобилияти ва иқтидорини ривожлантирмоқда.

Эзги таътил ниҳоясига етиб болалар мактабга қайтганда, «Мен таътилни қандай ўтказдим?» мавзусида иншо ёзади. Шубҳасиз, «Гулшан» маданият ва истироҳат боғида дам олган болаларнинг иншолари саргузаштлар ва ҳаяжонга бой, уларда истироҳат боғида олам-олам қувонч бағишлайдиган шароитлар яратиб берганларга чекисиз миннатдорлик сўзлари битилган бўлади.

Шаҳримизда бундай «яшил оролча»ларнинг ташкил этилиши аҳолининг дам олиши учун янада қулай шароитлар яратиш билан бирга, инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади, табиат қўйнида ўтказилган мароқли дамлардан унутилмас таассуротлар қолади.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**  
ЎЗА муҳбири

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

«TOShSHAHARNUR» ДУК Марказий но-зимлик хизмати Тошкент шаҳри кўчаларини ёритиш масалалари бўйича шикоят ва мурожаатларни қуйидаги телефон рақамлари орқали қабул қилади: 232-20-20, 233-35-64.

Кўчалар ташқи ёритилишининг ишламаслиги ҳақидаги мурожаатлар туман ёритиш хизматларида қуйидаги телефон рақамлари орқали қабул қилинади:

Мирзо Улугбек тумани	265-11-90
Ҳамза тумани	296-16-48
Шайхонтоҳур тумани	245-57-04
Олмазор тумани	246-87-03
Яккасарой тумани	215-59-17
Учтепа тумани	278-37-18
Миробод тумани	293-40-87
Сергели тумани	215-25-34
Чилонзор тумани	288-20-33
Бектемир тумани	295-05-50
Юнусобод тумани	212-10-53

Камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганда, қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этишингиз мумкин: 055 (куну тун), 250-43-08 соат 9.00 дан 18.00 гача

Шунингдек, E-mail: [toshnur@inbox.ru](mailto:toshnur@inbox.ru).  
«TOShSHAHARNUR» ДУК маъмурияти

**ДИККАТ, ТАНЛОВ!**

Адлия вазирлиги Тошкент юридик коллежининг Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари бўш лавозимига тақдоран

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий-таълим) ёки таълим муассасининг йўналиши бўйича магистр, дипломли мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Номзодларнинг аризалари Адлия вазирлигига тақдим этилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- 1.Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш ва рақаси) ва таржимаи ҳол.
- 2.Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси.
- 3.Илмий даража ва илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатнинг нусхалари (мавжуд бўлса).
4. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).
- 5.4х6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат.
- 6.Директор ўринбосари лавозимига номзоднинг бўлажак фаолияти бўйича ихтиёр шаклда ёзилган режаси (концепцияси).

Ҳужжатлар танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Танлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.

Манзилимиз: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй, Адлия вазирлиги биноси. Тел. 233-50-17

**ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ойнинг ҳар биринчи ва учинчи шанба кунлари соат 10:00 дан 12:00 гача Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 2а-уй манзилида жойлашган бинода тадбиркор субъектларининг фаолиятига қулай шароитлар яратиш мақсадида **«Очиқ эшиклар куни»** ўтказилишини маълум қилади.

**БОШҚАРМА МАЪМУРИЯТИ**

**«ТОШКЕНТ ОКШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

## Спорт янгилклари

**АҚШда каратэ бўйича ўтган жаҳон чемпионатида Тошкент Ахборот технологиялари университети талабаси Зумрад Тазетдинова иккита олтин медални қўлга киритди**

## ЗУМРАДНИНГ БАХТИ

Мамлакатимизда спорт соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритиб, тенгдошларига ўрнак бўлаётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Тошкент Ахборот технологиялари университети талабаси, шотокан каратэ-до бўйича жаҳон чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, халқаро тоифадаги спорт устаси Зумрад Тазетдинова — уллардан бири.

Зумрад спортнинг ушу тури билан шуғуллана бошлаганида ўн икки ёшда эди. Инсоннинг руҳий камолотида жисмоний тарбиянинг ўрни катта эканлигини яхши тушунадиган ота-онаси Зумрадининг машғулотларда фаол қатнашиши учун барча имкониятларни яратиб берди. Айниқса, онаси Резеда она доимо мусобақалар жараёнида уни қўллаб-қувватлаб турди. У пойтахтимиздаги 226-мактабда ўқиб юрганида нафақат спортда, балки фанларни яхши ўзлаштиришда ҳам барчага ўрнак бўлишга ҳаракат қилди. Чеварлик, расм тўғрақларига фаол қатнашиб, устозлари назарига тушди.

— Спорт инсон иродасини мустаҳкамлайди, қатъият ва масъулиятни ҳис этиш, ҳақонийлик ҳамда тежорлик каби хислатларини тарбиялайди, — дейди Зумрад. — Бугун биз, ёшлар эришаётган катта муваффақиятлар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор самарасидир.

Ушу бўйича дастлаб, шаҳар ва республика чемпионатларида совринли

ўринларни қўлга киритган З.Тазетдинова 2000 йилдан бошлаб халқаро турнирларда ҳам ўз омадини синаб кўра бошлади. 2003 йили Ўзбекистон терма жамоаси сафида Хитой пойтахти Пекинда ўтган Осиё чемпионати, Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳри мезбонлик қилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қатнашди. Мазкур турнирларда у совринли ўринларни эгалламаган бўлса-да, катта сабоқ олди — ўз устида пухта ишлаши, ушу усулларини янада мукамал ўзлаштириши лозимлигини англаб етди.

2007 йилдан З.Тазетдинова шотокан каратэ-до бўйича мусобақаларда ҳам қатнаша бошлади. Ушу бўйича олган тажрибаси, мутахассис Хўжақул Хўжақул раҳбарлигида олиб борилган тинимсиз машғулотлар тез орада ўз самарасини бера бошлади.

2007 йилги Ўзбекистон кубогига голиб чиқди. Уша йили Япония пойтахти Токиода ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида шоҳсупанинг энг юқори погонасидан жой олди. Унда дунёнинг қирққа яқин мамлакатидан спортчилар қатнашганлигини ҳисобга олсак, медаллар учун кураш нақадар қийин кечганлиги аён бўлади.

Зумрад мактабни тамомлаб, Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги хорижий тиллар академик лицейида ўқиб юрган кезларида ҳам каратэ билан шуғулланишни давом эттирди. 2008 йили Хиндистонда ўтган халқаро турнирда, Руминия мезбонлик қилган Европа очик чемпионатида, пойтахти-

мизда ташкил этилган Осиё чемпионатида совринли ўринларни эгаллади.

2009 йили З.Тазетдинова спортда ва ўқиш соҳасида қўлга киритган катта муваффақиятлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. Уша йили Японияда каратэ бўйича катталар ўртасида ўтказилган IX жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритди.

— Бугун спорт ҳаётимнинг ажралмас қисмига, доимий ҳамроҳимга айланган. Спорт туғайли жамиятда ўз ўрнини топдим, кўпчилик эътиборига тушдим. Қўллаб-қувватларда ўтган халқаро мусобақаларда Ватанимиз байроғи остида майдонга чиққанидан фахрланаман, — дейди Зумрад. — Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, спорт одамнинг характери тоблаши, қатъият ва мардлик, галабага интилиш, мустақам ирода, интизом, ҳар қандай қийинчиликларни энгиб ўтиши каби инсоний фазилатларни шакллантиришига амин бўлдим.

Ҳа, яқинда Лас-Вегас (АҚШ) шаҳрида каратэнинг Чун кук-до йўналиши



Асқар Ёқубов (ЎЗА) олган сурат

бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам З.Тазетдинова Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакатидан тажрибали спортчилар қатнашган нуфузли мусобақада Зумрад иккита олтин медални қўлга киритди. Музаффар спортчимиз шарафига миллий байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

— АҚШда ўтган жаҳон чемпионатида эришган ушбу галабамни энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлайман, — дейди З.Тазетдинова. — Спортчи учун шоҳсупада туриб ўз Ватани байроғини кўзига суртишдан улуг бахт йўқ!

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
ЎЗА мухбири

## ГИЛАМДА ЁШ СПОРТЧИЛАР

**Пойтахтимиздаги «Миробод» спорт мажмуасида ўзбек жанг санъати бўйича клублар ўртасида ташкил этилган мусобақада 200 нафарга яқин ёш спортчи комплекс машқ бажариш бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.**

лов 2011 йили Бутунжаҳон миллий жанг санъатлари уюшмаси (WoMAU) томонидан Жанубий Кореяда ўтказилган халқаро фестивалда, жорий йилда эса Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтган VI жанг санъатлари Олимпиадасида олтин медални қўлга киритди.

Ўзбек жанг санъатининг шахсий комплекс машқ ва теурийлар жанг усули йўналишлари бўйича ўтқа-

зилган ушбу мусобақада ҳам «Амир Темур» клуби тарбияланувчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Пойтахтимизнинг «Алпомиш» клуби аъзолари иккинчи, Тошкент вилоятининг «Тўмарис» клуби вакиллари учинчи ўринни қўлга киритди.

Байрам АЙТУРОВОВ,  
ЎЗА мухбири

ФАРОВОНЛИГИМИЗ  
ТИМСОЛИ

**Халқнинг қандай яшаётганлигини билишни истасанг бозорларга бориб кўргин, дейди аҳли донишлар. Чиндан, бозор Шарқ халқлари ҳаётида катта ўрин тутати. Бозор шунчаки олди-сотди маскани бўлиб қолмай, одамлар дийдорлашадиган, мулоқот қиладиган, демакки, ўзаро ахборот алмашинадиган жой ҳам саналади.**

Мутахассислар Тошкент бозорларининг ёши азим шаҳарнинг ёши билан тенг эканини ёзишади. Шаҳардаги энг кўҳна савдо маскани Эски Жува бозоридир. Мазкур бозор асрлар давомида шаҳар ҳаётида ҳал қилувчи ўрин тугиб келган.

Тошкентнинг деярли барча дарвозаларидан келган йўллар Эски Жувада туташган. Эски Жува бозори турли даврларда турлича номланган. Олимларнинг айтишича, савдо масканларининг дастлабки номи Регистон бўлган. Бу сўз «Қумлоқ» деган маънони билдиради. Одатда Марказий Осиёда ўтмишда бозорлар унумсиз қумлоқ ва тошлоқ жойларда қуриланган. Дарвоқе, Тошкентнинг қадимий бозори қандай қилиб Эски Жува деган номга эга бўлгани хусусида қўшимча маълумот бор. Себздор даҳасининг қадимий маҳаллаларидан бири — «Эски Жува» ўтмишда Охунгузар, Жангоҳ, Пушти ҳаммом, Тинчоб маҳаллалари ва Регистон бозори билан чегарадош бўлган. Вақт ўтиб бу қадимий маҳалла ҳам марказий бозорга қўшилиб кетган ва бозор Эски Жува номини олади.

Тарихчи оlima В.Буталованинг ёзишича, Тошкент аҳолиси ҳаётида муҳим ўрин тутган бозор пастиқда жойлашганлиги сабабли халқ орасида «Пастбозор» деган ном билан ҳам аталган. Бундай ном ҳозир ҳам ишлатилади. Ҳозирда Тошкентнинг энг кўркам савдо маскани саналган Олой бозорида қадимда чорва ва деҳқончилик маҳсулотларининг чакана савдоси амалга оширилган. 1928 йилда бозор расмий равишда Олой бозори деб номланган.

Ўзбекистон мустақилликка эришган мамлакатимиз бозорларини янада обод қилиш мақсадида кенг қўламда ишлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг 1996 йилдаги «Бозорлар фаолияти ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатиши яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан савдо масканлари янада обод қилинди. Пойтахтимиздаги бозорларни ўз таркибига бирилаштирган «Тошбозорсавдо» уюшмаси тузилди. Мазкур уюшма таркибидagi бозорларнинг умумий майдони 140 гектарни ташкил қилади. Улардаги савдо жойларининг умумий сони эса 30 мингтага етди.

Анвар ВАЛИЕВ

**Халқ ижодиётининг қадимий жанрларидан бўлган ўлан ва лапар ижрочилиги санъати ўзининг бой тарихига эга. Ҳазил-мутойиба, халқнинг орзу-умидлари акс этган ўлан ва лапар қўшиқлари таниқли санъаткорлар ва ҳаваскор ижрочилар томонидан турли байрамлар, халқ сайиллари ва тўю тантаналарда ижро этилган.**

Лутфихоним Саримсоқова, Тамарахоним, Гавҳар Раҳимова, Тўхтаҳон Назарова, Гулшод Отабоева, Ойхон Ёқубова, Қундузхон Эгамбердиева, Ёқутхон Раҳматуллаева, Инобат Жониева ва Шоҳиста Парпиева каби санъаткорлар лапар санъатини жаҳон микдосига олиб чиққанлар. Ўлан айтиш санъати юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг қайта тикланган жанрлардан ҳисобланади.

Фаргона вилоятининг Бувайда туманидан Содиқжон Ҳасанов, Тошкент вилоятининг Ангрэн шаҳридан Турдиали Пардаев ва Кимёхон Қосимхонова, Андижон вилоятининг Асака туманидан Марҳабо Сатторова ва Баҳодиржон Исмоилов, Наманган вилоятининг Косонсой туманидан Ханифа Мирзаева ва Лутфулло Мирзаевлар ўланчилик жанри ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Айни кунда Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида ҳам ла-

## Санъат

ЛАПАР ИЖРОЧИЛАРИ  
КЎРИГИ

пар ва ўлан қўшиқлари ижрочилигига катта эътибор берилмоқда.

Лапар ва ўлан ижрочиларининг Республика кўрик-фестивали Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви, Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши ҳамда Алишер Навоий номи Ўзбекистон Миллий боғи ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Кўрик-фестивални ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 ок-

тябрдаги 222-сонли қарори билан тасдиқланган «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва уллардан фойдаланиш Давлат дастури» ижросини таъминлаш, юртимизда фаолият олиб бораётган лапар ва ўлан ижрочилари ижоди билан таништириш, бетақор ҳаваскорлик санъати сарнамаларидан халқимизни баҳраманд қилиш, ёшларнинг халқ ижодиётининг лапар ва ўлан санъатига бўлган қизиқларини янада ошириш, «Устоз-шогирд» аъёнларини давом эттириш ҳамда ушбу ижрочилик йўналишидаги ютуқларни кенг тарғиб этишдир.

**Насриддин БОТИРОВ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ходими**

**Тошкент Окшоми**

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълолар: 233-28-95,  
236-57-65. Факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМИЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:  
vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
4970 нусxada босилди.  
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул  
Д. Исроилов

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик  
компанияси босмаҳонаси. Корхона  
манзили: Буюк Турон кучаси, 41-уй

Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ

Буюртма Г-841

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.50

МАШРИҚЗАМИН —  
ҲИКМАТ БҮСТОНИ

Оқил вақтини, жоҳил нақдини  
афзал кўради.

\*\*\*

Фақирликка тақдирдан ташқари,  
ношудлик ва танбаллик ҳам сабаб  
бўлади.

\*\*\*

Нодон биров билан маслаҳатла-  
шишдан ор қилади.

\*\*\*

Ўз ўрнини олган киши ҳеч кимга  
ҳам ёқмайди.

\*\*\*

Биз ўзимизга кераги йўқ нарсани  
кўп биламиз.

\*\*\*

Бахтли эканингни бахтсиз бўлга-  
нингда биласан.

\*\*\*

Одамга бойлик ва амал бериб  
синаб кўр деганлари рост экан.

\*\*\*

Ҳар қандай раҳму шафқатнинг ҳам  
чегараси бор.

\*\*\*

Тирикликдан ўлим афзал бўлса,  
яшашда маъно йўқ.

\*\*\*

Нодон ҳам кўрдай гап: кўр дунё-  
ни кўролмаса, нодон унинг моҳия-  
тини тушунмайди. Чунки унинг  
қалби кўр, ақли кўр.

\*\*\*

Чала ишнинг давоми бўлиши  
керак.

\*\*\*

Тор кўнгил — хор кўнгил.

\*\*\*

Фақат нодон ҳамма нарсани  
биламан дейди.

\*\*\*

Киши ўзига келиши учун вақт  
керак.

\*\*\*

Қаҳру ғазаб — жонга азоб.

\*\*\*

Пул ишқи дилни қовжиратади.

\*\*\*

Эркак — ақл тимсоли, аёл —  
кўнгил.

\*\*\*

Суянган деворингнинг тагини  
ковлама.

\*\*\*

Ваҳиманинг кўзига ҳамма нарса  
кўп, кучли бўлиб кўринади.

\*\*\*

Унуттиш учун ҳам вақт керак.

\*\*\*

Иссиқдан кўра совуққа чидаш  
осон.

\*\*\*

Ҳаёт бизнинг истак-режаларимиз  
билан ҳисоблашмайди.

\*\*\*

Май ғамни кеткизмайди, балки  
ғам устига ғам қўшади.

\*\*\*

Нодоннинг нафси ҳукмини ўтка-  
зи билан таскин топади.

\*\*\*

Одамнинг ўзига ҳам кўп нарса  
боғлиқ.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

**Ўзгидромет**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида  
9 август кунини ҳаво бир оз  
ўзгариб туради, ёнғинчи-  
лик бўлмайди. Шарқдан се-  
кундига 3-8 метр тезликда  
шамол эсади. Ҳарорат ке-  
часи — 20-22, кундузи — 36-  
38 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг  
мониторинг хизмати  
маълумотига кўра,  
9 августда Тошкент  
шаҳри об-ҳаво шари-  
ти шаҳар ҳаво муҳи-  
тида зарарли моддалар-  
нинг бир оз йиғилишига  
имконият яратилади. Атмос-  
феранинг ифлосланиш да-  
ражаси 1-3 фойз кўпайи-  
ши таҳмин қилинмоқда,  
тағмиқдори паст бўлади.